50 (380)

2003 йил 10 декабрь

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

2

- Франция сенатори маҳалла ҳақида нима деган?
- Сарҳисоб палласи яқинлашмоқда.

3

- Бу дунёда меҳр қолур, мурувват қолур...
- Оқсоқолдан оқсоқолнинг фарқи бор.

4

- Хуринисо ая нимадан хурсанд бўлди?
- Омонат — келтиради даромад!

ПОЛША ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Польша раҳбари ўтган йилнинг 20-23 октябр кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлган, Президент Ислом Каримов эса жорий йилнинг 10-12 июл кунлари Полшага расмий ташрифини амалга оширган эди.

Таъкидламоқ жоизки, ушбу ташрифдан кейин ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар кўлами салкам уч баробар ошди. 2002 йили бу борадаги кўрсаткич 12,7 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Жорий йилнинг тўқиз ойида 24,3 миллион долларга етди. Муносабатларимиз 34 ҳужжат билан мувофиқлаштириб келинмоқда. Айни пайтда Полша томонидан яна 7 ҳужжат кўриб чиқилмоқда. Икки мамлакат таълим, фан ва маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда, халқаро ташкилотлар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келяпти.

- Олий даражадаги мазкур икки ташриф мамлакатларимизда ҳамкорлик учун қанчалик катта салоҳият мавжуд эканлигини кўрсатди, - деди Ислом Каримов Оқсаройдаги учрашувда. - Сизнинг Ўзбекистонга келишингиз ҳам ривожланиб бораётган муносабатларимизнинг бир белгисидир.

А.Майковски Президентлар мулоқоти чоғида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқишга доир масалаларни муҳокама қилиш, янги имкониятларни ўрганиш учун мамлакатимизга келган. У қатор вазирлик ва идораларда музокаралар ўтказиб, ҳамкорлик тўғри йўлдан ривожланиб бораётганига ишонч ҳосил қилганини таъкидлар экан, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Шунингдек, меҳмон мамлакатимиз раҳбарига Полша Президентининг мактубини тақдим этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Полша ўртасидаги ҳамкорликка доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 декабр куни Оқсаройда Полша Республикаси Президентининг халқаро масалалар бўйича маслаҳатчиси Анджей Майковскини қабул қилди.

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Фазлиддин АРЗИЕВ). Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Полша Президентининг халқаро масалалар бўйича маслаҳатчиси Анджей Майковски раҳбарлигидаги делегация 9 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев билан учрашди.

Мулоқот чоғида икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар жадал ривожланаётгани таъкидланиб, унинг кўламини янада ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан ҳам учрашди. Маълумки, 2002 йил октябр ойида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги ва Полша Республикаси миллий мудофаа вазирлиги ўртасида ҳарбий ҳамкорлик дастури имзоланган эди. Учрашувда мазкур дастур доирасидаги ҳарбий ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш масаласи муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Норов билан музокарада ўзаро алоқалар истиқболи, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик, халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши биргаликда курашишга оид масалалар хусусида фикр алмашилди.

2003 ЙИЛ - ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ — 2004 ЙИЛ - МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ

«...Меҳр ва мурувват йили Обод маҳалла йилининг мантиқий давоми бўлади. Обод маҳалла аввало, обод кўнгилдан бошланади.»

Ислом КАРИМОВ

"ЭКОСАН" Халқаро жамғармасида "Энг обод маҳалла" Республика кўрик-танлови ғолибларини эълон қилиш ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

"ЭКОСАН" Халқаро жамғармаси ташаббуси билан "Маҳалла", "Соғлом авлод учун" жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги ва Ўзтелерадиокомпания ҳамкорлигида "Энг обод маҳалла" Республика экологик кўрик-танлови ўтказилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад - маҳаллаларда, шу жумладан кўп қаватли уйларда ташкил топган маҳаллаларда яшовчи аҳолининг санитар-экологик маданиятини ошириш, Бутунжаҳон Саммитида кўтарилган ғояларни амалга ошириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига маҳалла аҳлини кенгроқ жалб қилиш ва улар орасида маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, умуман мамлакатимизнинг барқарор ривожланишида маҳалланинг ўрнини янада кўтариш, тўй маъракаларни тартибга келтириш, исрофгарчиликнинг олдини олиш, ёшларни миллий қадриятларни эъзозловчи, маънавий бой, юксак маданиятли, эл-юртига фидойи инсон қилиб тарбиялашда маҳалланинг фаоллигини оширишдан иборат.

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Кўрик-танлов Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги

маҳаллалар ўртасида 3 босқичда: 1-босқич - Наврўз байрамига, 2 босқич - Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига ва 3 босқич - Мустақиллик байрами ва Конституция кунига бағишлаб ўтказилди.

Яқинда "ЭКОСАН" Халқаро жамғармасида кўрик-танловни 3-босқич ғолибларини эълон қилиш ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

"Энг обод маҳалла" Республика экологик кўрик-танловини ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитасига Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан маълумотлар келиб тушди.

"Энг обод маҳалла" Республика экологик кўрик-танловининг учинчи босқичи ғолиби Фарғона вилояти Марғилон шаҳар Янги боғ маҳалласи деб топилди ва 3 000 000 сўм миқдоридаги пул маблағи ғолиб-маҳалла ҳисоб рақамига ўтказилди.

Танловнинг 3 босқичида 2-ўринни Навоий вилояти Навоий шаҳридаги Ишонч маҳалласи ва 3-ўринни Наманган вилояти Давлатобод туманидаги Янги тонг маҳалласи эгаллади. Ушбу маҳаллалар ҳисоб рақамига 1 500 000 сўм (2 ўрин) ва 1 000 000 сўм (3 ўрин) пул маблағи ўтказилди ва ушбу маблағ маҳаллани янада ободонлаштириш, хонадонларни канализация тармоғи билан таъминлаш, чиқинди йиғиш ва олиб кетиш тизимини яратиш мақсадларига сарфланиши кўзда тутилган.

МУХБИРИМИЗ.

Суратда: кўрик-танловнинг биринчи ўрин соҳиби Фарғона вилояти Марғилон шаҳар Янги боғ маҳалласи уч миллион сўм билан тақдирланди.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги Чоштепа маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Дилором Бекназарова яқинлашиб келаётган 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинишини ўзига хос ташаббус билан кутиб олди.

«MAHALLA» ҚАЛБЛАРНИ ОБОД ЭТАДИ

У маҳалладаги эҳтиёжманд оилаларнинг 16 тасини маҳалла ҳомийлари томонидан «Mahalla» газетасига обуна қилиб берди.

- Янги йилда қалблар ободлиги учун сайъ-ҳаракатлар қиламиз - дейди Дилором опа.

Мухбиримиз.

ДУНЁНИ МЕҲР ЯШНАТАДИ

Алишер Навоий ҳам ўз достонларидан бирининг бош қаҳрамонини Меҳр деб атайдики, бу ҳам Қуёш демакдир. Оналаримиз меҳрини офтобга менгзаш, халқимизнинг, Одамнинг юзи офтобдан иссиқ, каби ҳикматлари ҳам асрий тарихга эга.

Жонажон Ўзбекистонимиз Конституциясининг 11 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимизнинг 2004 йилни "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилиши бирданига киши хаёлига ана шундай фикрларни келтирди.

Ҳақиқатан, ўйлаб қарасангиз, бутун инсоният тарихи, бугуни, келажаги - инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти ана шу сўзларда мужассам топаркан:

Давоми 3 - саҳифада

Мурғак қалблар «боғбон»и

Тўравой ака Бозоров юртимизнинг турли жойларда турли вазифаларида самарали меҳнат қилиб, пенсияга чиққан. Бугунги кунда у Тошкентдаги Антонина Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйида боғбон. У ўзининг инсоний хислатлари, болажонлиги билан нафақат дов-дарахтлар, бу ердаги мурғак қалбларга ҳам боғбонлик қилади.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

10 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

Абдулла ОРИПОВ сўзи
Мутал БУРҲОНОВ мусиқаси.

Серқуёш ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақорат:

Олтин бу водийлар - жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Нақорат:

Олтин бу водийлар - жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

ЎЗБЕКНИНГ МУҚАДДАС ТАРОНАСИ

Ҳар бир халқнинг куч-қудрати, миллий ифтихори, ғурури, дунёқараши унинг давлат мадҳиясида ўз ифодасини топади.

Ўн бир йил муқаддам Ўзбекистон парламентининг XI сессиясида мустақил давлатимиз мадҳияси қабул қилинган эди. Демак, ўн бир йилдирки, у Ватанимиз озодлигини, фаровонлигини ифода этиб, баралла янграб келмоқда. Ҳар бир мунаввар тонгни ана шу улуғвор тарона билан қарши оламиз. Мадҳиямизнинг тантанавор оҳанглари байрамларимизга ўзгача руҳ бахш этади. Олий мартабали меҳмонлар ташрифи пайтида, тантанали маросимларда, мамлакатимиз раҳбарининг хорижий сафарлари чоғида давлат мадҳияси садолари кўтаринкилик бағишлайди. Нуфузли халқаро мусобақаларда ғолиб юртдошларимиз шарафига янграган Миллат қўшиғи қалбларни ғурур ва ҳаяжонга лиммо-лим этади.

Эндигина боғчага бора бошлаган фарзанди бурро тилда «Серқуёш, ҳур ўлкам» деб ўқий бошлаганида қайси ота-она севинчдан тўлқинланиб кетмайди?! Бу кўп миллионли, кўп миллатли халқнинг, тарихи минглаб асрларни ўз ичига оладиган Юртнинг энг улуғ ва энг муқаддас қўшиғи. Уни эъзозлаш, ёд олиш, меҳр билан куйлаш учун ҳар биримиз бурчлимиз.

Собиқ совет тузуми даврида ҳам мадҳиямиз бор эди. Аммо, у замонларда эркимиз, инон-ихтиёримиз ўзимизда эмасди. Ўзимиз истамаган қўшиқни айтишга мажбур эдик. Шунинг учун у Ватан тимсоли сифатида ўзини оқлолмади, оқлолмас ҳам эди. Оқибатда хотирамиздан тезгина ўчиб кетди. Фақат Истиқлолга эришганимиздан кейингина халқимиз ҳақиқий эрк қўшиғини, қуррият таронасини куйлаш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг севимли шоири Абдулла Орипов қаламидан қуйилган жўшқин ва равон мисралар машҳур бастакор Мутал Бурҳонов мусиқаси билан уйғунлашиб, қанчалар улуғворлик касб этгани ортиқча таърифга муҳтож эмас. Ватанимизнинг бутун салоҳияти, халқимизнинг ўзлиги ана шу ўн икки мисрада жо бўлгандек туюлади. Мадҳиямизнинг ҳар бир сатри мустақил Ўзбекистоннинг маълум бир қиррасини намоён этади. Унинг авж пардаларида она диёримизнинг гўзал табиати, халқимизнинг азалий қадриятлари, қадимий ва бой тарихимиз, бугунги кун ва буюк келажагимиз намоён бўлади...

Мамлакатимиз йил сайин равнақ топиб бораётир. Жаҳоннинг етакчи давлатлари билан ҳар томонлама манфаатли ҳамкорлик ривожланмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз борган сари чирой очмоқда. Буларнинг барчаси Ватанимизнинг порлоқ истиқболидан далолат.

Мустақил Ўзбекистон Мадҳияси асрлар оша келгуси авлодлар тилида эрк таронаси бўлиб янграйверади.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн учинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси эртага, 11 декабрь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 10 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва эртага, 11 декабрь куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисда бугун, 10 декабрь куни соат 15.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

Обуна-2004

Mahalla



-Яна нима дейди?
-2004 йил учун обуна бўлинглар, - дейди!

Бугун бўлмаса қачон?!

Мамлакатимизда барча нашрларга 2004 йил учун обуна бўлиш давом этмоқда.

Азиз муштарий!

«Mahalla» га обуна бўлиш учун ҳали эрта деб ўйламанг. Билингки, обуна учун бугун айни вақти.

Олам футболи

31 ЙЎЛЛАНМА УЧУН 850 УЧРАШУВ

2006 йилнинг ёзида Германия қабул қиладиган футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатига бориш учун саралаш учрашувларида ким ким билан баҳс олиб боришига аниқлик киритилди. 5 декабрь куни Франкфуртда қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Осиё

44 аъзо. Саралаш мусобақаларида Осиёдан 39 мамлакат иштирок этади (Камбоджа, Филиппин, Бутан, Бруней ариза бермаган, Муанмар четлатилган);

1-саралаш босқичи

ФИФА таснифида паст кўрсаткичга эга 14 мамлакат келгуси босқичга чиқиш ҳуқуқини берувчи 7 ғолибни аниқлашлари лозим эди.Улар қуйидагилар бўлди:

Тожикистон, Туркманистон, Хитой Тайпейи, Қирғизистон, Лаос, Мальдив.

7-жуфтликдаги Гуам ва Непал мусобақаларни тарк этгач, бўш қолган йўлланма 1-босқичда бир очколик бўла олган Лаоса насиб этди.

2-саралаш босқичи

8 гуруҳда 4 тадан команда. Гуруҳ ғолиблари 3-босқичга чиқишади.

2-гуруҳдан ўрин олган ЎЗБЕКИСТОН Ирок, Фалаетин, Хитой Тайпейи билан куч синашади.

3-саралаш босқичида икки гуруҳда тўрттадан жамоа куч синашади. Уз гуруҳларида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаганлар Германияга боришади. Учинчи ўринда қолганлар ўртасидаги икки учрашувдан иборат баҳс ғолиби ЖЧ-2006 йўлланмаси учун Шимолий Америка вакили билан курашни давом эттиради.

М.ТЎХТАМИРЗАЕВ.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **00123**-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий:
«Матбуот тарқатувчи» хиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят

Обод маҳалла

ТИНЧ-ТОТУВ ТУРМУШ, МЕҲР- ОҚИБАТ, ФАЙЗ-БАРАКА ДЕМАК

ЙИЛИМИЗНИНГ ЎТГАН ДАВРИ САРҲИСОБИДАН ШУНДАЙ ХУЛОСАЛАР ЯСАШ МУМКИН

Ислом КАРИМОВ:

Маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади.

Гапга қулоқ солинг

Бир одамни танийман. Ҳаётда ҳамма нарсадан норози. Ҳатто амалга оширилган гўзал ва ажойиб иш ҳақида завқланиб гапирсангиз ҳам «Хўш, нима бўпти?» деб пачакилашишга ҳаракат қилади. Унинг қиёфасида, сўзида мамнунлик белгисини асло кўрмайсиз. Ундайларни халқимизда «кажбаҳс бандалар» деб таърифлашади.

Унинг гапларига эътибор бермасдим. Чунки ҳаётнинг фақат соя томонларини бўрттириб кўрсатувчи бу кимсанинг фикри мавжуд воқеликдан йироқлиги боис мулоҳаза юритишга арзимайди, деб ҳисоблардим. Яқинда ўша зот каттагина даврада юртимизда маҳалла бўйича қилинаётган ишларни ерга урмоқчи бўлганда чидаб туролмадим. «Сиз ўзингиз маҳалла учун нима иш қилдингиз?» деб сўрадим. «Мен оддий бир одам бўлсам, нима ҳам қилардим. Давлат халққа нима қилиб берди? Шу саволимга жавоб бер!» деган сўзларни гўё мени мот қилгандай ғолибона оҳангда айтди.

Ахир мамлакатимизда халқ ҳаётини яхшилаш бўйича жуда кўп эзгу ва савобли ишлар қилинятпти-ку! Наҳотки, уларни кўриб кўрмасликка олсангиз?! Фақат давлат эмас, ўзининг ваколатларидан кенг фойдаланаётган қуйи бошқарув тизими ўтган бир йил ичида нималарга қодирлигини намоён қилганини сезмадингизми?! Сизга далил ва рақамлар керакми? Марҳамат, энди гапга қулоқ солинг.

Халққа манзур дастур

Аввало, 2003 йил Обод маҳалла йили деб эълон қилинган лаҳзаларни эслайлик. Президентимиз «Туркистон» саройида бу ҳақда маълум қилганларида нафақат залдагилар, тантанали маросимни телевидение орқали кўриб турган халқимиз ҳам бу таклифни хурсандчилик билан кутиб олди. Нега дейсизми? Маҳалла – бизнинг халқимиз учун ҳамма нарса. Хонадонидаги турмуш, гузардаги дийдорлашув, хизматдаги топшириқ – бари-бари маҳалла ҳаёти билан боғлиқ. Инсон тақдири маҳалла тақдири билан вобаста бўлиб кетган. Ўзбек ўз ҳаётини атрофидаги муҳитдан айри ҳолда тасаввур қилолмайди. Жамоа бўлиб яшаш, бир майизни қирққа бўлиш унга азал-азалдан мерос.

Модомики шундай экан, юксак минбардан 2003 йилда энг устувор вазифамиз маҳаллалар ободлигини таъминлаш деган сўзлар янграганда қувонмай бўладими? Маҳалла обод бўлиши учун ундаги ҳар бир хонадон чароғон бўлиши керакми? Демак, бу эзгу ҳаракатдан мақсад ҳар бир фуқаро ҳаёти учун ғамхўрлик эмасми?!

«Обод маҳалла йили» деб аталган дастур ишлаб чиқилди. Унинг жорий этилишига асосий ижроия орган – ҳукумат масъул қилиб белгиланди. Дастур қуйидаги йўналишлардан иборат эди:

1. Маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш

2. Маҳаллаларда тадбиркорликни кучайтириш, хизматлар ва савдо соҳасини ривожлантириш ҳамда кичик бизнес соҳаси орқали янги иш ўринлари барпо этиш

3. Маҳалла ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш

4. Кам таъминланган оилалар ижтимоий муҳофазасини кучайтириш ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш

5. Кекса авлодга эътибор бериш ва ғамхўрлик қилишни кучайтириш

6. Маҳаллалар аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатишни яхшилаш. Болалар спортини ривожлантириш

7. Аҳоли ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этишда маҳаллаларнинг фаолиятини кучайтириш.

Тўғри, ҳаётимизнинг барча жабҳасини қамраб олган бу дастурни тўлиқ бажариш учун ҳали муайян муддат бор. Лекин ҳозирдан айтиш мумкинки, дастурдаги бандлар асосан амалга оширилди.

Изчил тадбирлар самараси

Маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига (янги таҳрир) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ишлаб чиқилиб, Олий Мажлиснинг XII сессиясида қабул қилинди.

«Маҳалла: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий асослари» номли мажмуа 10 000 нусхада, «Маҳалла фуқаролик жамиятининг асоси» китоби 5 000 нусхада чоп этилди вамаҳаллаларга тарқатилди.

Барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида тегишли муассасалар, профессор ва ўқитувчилари томонидан маҳалла оқсоқоллари ва ходимларининг ҳуқуқий билим ва малакаларини ошириш юзасидан йиллик режа-жадвалига асосан ўқув семинарлари уюштирилиб, 30 мингдан ортиқ маҳалла фаолларининг малакаси оширилди.

Эришилган ютуқлар борасида гап борар экан, Президентимизнинг Бош Қомусимиз 11 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида мамнуният билан эътироф этган барча ҳолатлар ҳам барча юртдошларимизни қувонтиради. Хусусан, эътироф этилганидек, ўтган давр мобайнида маҳаллалар ҳудудида кичик ва ўрта бизнес соҳасида жами 155 мингта яқин янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, кичик корхоналар ташкил этиш ҳисобига 59 минг 500 та, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 55 минг 223 та, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига 31 минг 160 та, оилавий бизнесни ва касаначилик меҳнатини ташкил этиш ҳисобига 8 минг 597 та иш ўринлари яратилди. Бунинг билан маҳаллалардаги 110 мингдан ортиқ кам таъминланган ва ишсиз юрган фуқаролар иш билан таъминланди.

Маҳаллаларда жойлашган «Ўзбекбирлашув» ва «Матлуботсавдо» компанияларига қарашли бўлган 2082 та савдо шохобчалари ва цехлари таъмирланди.

Маҳаллаларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун тижорат банкларининг кредит линиялари орқали етарлича маҳаллалар ҳудудида Маиший хизмат марказининг шохобчалари ташкил этилиб, унинг натижасида янги иш ўринлари барпо этилди.

Маҳалла аҳолисининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учур республика минтақаларида кредит уюшмалари тармоқларини ташкил этиш борасида республикамиз молиявий бозорида жами 13 та кредит уюшмаси фаолият кўрсатмоқда.

Республика бўйича 310 та маҳалла гузари қуриб битказилди. Бунинг учун ҳомийларни жалб этиш ҳисобига жами 1 миллиард 745 миллион сўм миқдорида маблағ сарф этилди.

Ҳашар юртни яшнатар

Аҳолининг табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланиши даражасини ошириш мақсадида 246 та қишлоқ сув билан таъминланди, яъни 999,6 км қувурлар ётқизилди. 208 та қишлоқ табиий газ билан таъминланди, яъни 1322 км газ қувурлари ётқизилди. 2003 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра 792,7 мингдан зиёд газ ўлчаш мосламалари ўрнатилди.

Маҳаллалар ва мавзелар ичидаги йўлларни таъмирлаш, асфальтлаш ва ободонлаштириш бўйича 1000 километрдан ортиқ йўл асфальтлаштирилиб, ободонлаштирилди. Маҳалла ва аҳоли пунктларини телефонлаштириш мақсадида жами 37902 дона телефон ўрнатилди, шундан 8471 таси корхоналар ва 29431 таси аҳоли ҳисобига амалга оширилди.

«Наврўз» ва мамлакат мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида маҳаллалар аҳолиси ва фаолларининг ташаббуслари билан 15 март ҳамда 16 август кунлари умумхалқ ҳашарлари ўтказилди.

15 март куни ўтказилган ҳашар давомида республика миқёсида катта миқдорда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, жумладан, 68320 гектар майдон ободонлаштирилди, 2 миллион 137 минг тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди, 75 минг 641 км ариқ ва зовурлар тозаланди, 16 миллион 697 минг дона манзарали, 9 миллион 641 дона мевали дарахт ҳамда 8 миллион 742 минг дона гул кўчатлари экилди, 38 миллион 295 минг дона дарахтлар оқланиб, шакл берилди. 1323 та зиёратгоҳ ва 5460 та қабристонлар ободонлаштирилди. Ушбу ҳашарда жами 12 миллион 416 мингдан ортиқ аҳоли иштирок этди.

16 август куни ўтказилган ҳашар давомида республика миқёсида 8 миллион 981 минг аҳоли иштирок этди, 2 миллион 939 минг погон метр ариқ тозаланди, 897,2 минг тонна маиший чиқинди чиқариб ташланди, 9 миллион 885 минг туп гул кўчатлари экилди, 20 миллион 388 минг дона дарахт кўчатлари оқланиб, шакл берилди.

Ушбу ҳашарлардан «Маҳалла» жамғармаси бўлим ва бўлинмаларига келиб тушган маблағлар аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, маҳаллаларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, маҳаллаларда оммавий спорт турларини ривожлантириш, спорт турнирлари ўтказиш ҳамда жамғарманинг бошқа низомий вазифаларини бажариш мақсадларида сарф этилмоқда.

Ижтимоий муҳофаза

Рўзғор хўжалигини юритишда кам таъминланган ёш оилаларга ссуда ажратиш бўйича Низом ишлаб чиқилиб, «Ўзуйжойжамғармабанк» ва Халқ банки бўлимларида амалиётга жорий қилинди ҳамда шу асосда 648 оилага 809,3 миллион сўм кредит ажратилди.

2003 йил 1 сентябрь ҳолатига ишламайдиган оналарга болани 2 ёшгача парвариш қилиш бўйича 400888 нафар кам таъминланган она нафақа билан таъминланди. 179400 нафар кам таъминланган оилаларга нафақа тайинланиб, уларга 3 миллирад 898 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган давр мобайнида жамғарма ва унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан кам таъминланган оилалар муҳофазасини кучайтириш мақсадида турли йўналишларда 508,6 миллион сўм молиявий хайрия ёрдамлари ажратилган бўлиб, бу кўрсаткич фоиз ҳисобида жамғарма томонидан сарф этилган маблағнинг 46 фоизини ташкил этди. Шунингдек, хайрия сифатида берилган буюмлар, кийим-кечаклар, хайрия совғалари жами республика бўйича 1 миллирад 198 миллион сўмни ташкил этди.

Кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг болаларидан 240 минг нафарини соғломлаштириш оромгоҳларида бепул ёзги дам олишини таъминлаш тўғрисидаги режа шаҳардан ташқари оромгоҳларда 100 фоизга, санаторий туридаги оромгоҳларда 98,5 фоизга бажарилди.

Қишлоқ маҳаллаларида мактаб бозорлари ва уларда болалар кийим ва пойабзалини 20 фоиз чегирма билан сотишини ташкил этиш бўйича республика миқёсида жорий йилнинг 25 июлидан 10 сентябрь кунига қадар 498 та мактаб бозорлари ташкил этилди. 20 фоиз чегирмалар белгиланиши натижасида оилаларнинг 29,1 миллион сўмга яқин бюджет маблағлари тежалди.

Ҳомийларнинг қўллаб-қувватлашини кенгайтириш асосида эҳтиёжманд ёлғиз кекса пенсионерлар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида 25682 нафар ёлғизларга 630,3 миллион сўм манзилли (нақд пул, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқалар) моддий ёрдам кўрсатилди.

9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва кир ювиш воситалари харид қилиш бўйича 12 минг 222 нафар ўзгалар правариши муҳтож ёлғиз пенсионерларга жами 614,2 миллион сўм, коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига 51 миллион сўм, врачларнинг дориномалари бўйича 9295 нафар муҳтож ёлғизларни бепул дори-дармонлар билан таъминлашга 50,2 миллион сўм, стационарларда бепул овқатланиш учун 2107 нафар ёлғизга 20 миллион сўм, жами 735,4 миллион сўм маблағ сарфланди.

«Тошшаҳарйўловчитранс» компанияси томонидан пенсионерлар ва ногиронларнинг айрим тоифалари учун шаҳар жамоат транспортида юриш бўйича амалдаги имтиёзлар сақлаб қолиниб, «N» ва «NN» серияли имтиёзли ойлик йўл чипталари учун 1631 миллион сўм сарфланди. Бу тажриба бошқа минтақаларда ҳам кенг ёйилмоқда.

Пенсионерлар ва ногиронлар учун сартарошхоналар, кимёвий тозалаш шохобчалари ва ҳаммом-кир ювиш комбинатлари хизматларига ҳақ тўлаш чегирмалар яратилиб, сартарошлик бўйича жами 133 минг 690 нафар қарияга 97 миллион 831,4 минг сўмлик ҳажмидаги хизмат кўрсатилди.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш орқали 1473 нафар ишсизлар 8197 нафар ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга 50 миллион сўмга яқин ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган давр мобайнида 28 минг 341 нафар ёлғиз қария тиббий кўрикдан ўтказилди. Даволаниши лозим деб топилганларнинг 4668 нафари шифохоналарда, 17 минг 158 нафари амбулатория шароитида, 6000 нафари уй шароитида соғломлаштирилди.

Ўтган давр мобайнида «Олтиариқ», «Товоқсой», «Косонсой», «Нуронийлар оромгоҳи» сиҳатгоҳлари ва А. Н. Семашко номидаги илмий-тадқиқот институти шохобчаларида 912 нафар ёлғиз қария соғломлаштирилди.

2003 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра «Ортопедия реабилитацияси» илмий ишлаб чиқариш корхонаси ва унинг ҳудудий филиалларида 6372 та протез-ортопедия маҳсулотларига муҳтож ногиронларга 4978 та (муҳтожларнинг 78 фоизи) протез-ортопедия маҳсулотлари тайёрлаб берилди ва бюджетдан 390,0 миллион сўм маблағ сарфланди.

Кексалар ва ногиронларнинг ногиронлар аравачаларига, қўлтиқтаёқ, ҳасса ва эшитиш аппаратларига эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 1870 та қўлтиқтаёқ, 2298 та ҳасса, 988 та ногиронлар аравачаси, 447 та эшитиш мосламаси тарқатилди. Бу ишларга жами 223,6 миллион сўм маблағ сарфланди.

Республика «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан маҳаллаларда оммавий спорт турларини ривожлантириш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида бир қатор спорт турлари ташкил этилди. Жумладан, «Футболимиз келажаги» турнирининг 4 тоифадаги 9-10, 11-12, 13-14, 15-16 ёшли маҳаллалар футбол жамоалари мусобақалари жорий йил май-сентябрь ойлари давомида ўтказилди. Турнирда 8042 дан ортиқ маҳалладан 1,5 миллиондан зиёд болалар иштирок этдилар. 11-12 ёш тоифаси бўйича Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Уста Нормат маҳалласи ғолибликни қўлга киритди. 13-14 ёш тоифаси бўйича Тошкент вилояти, 15-16 ёш тоифаси бўйича Бухоро вилояти маҳалла ёшлари биринчиликни қўлга киритдилар.

«Соғлом оила» оилавий спорт мусобақалари ташкил этилди. Мусобақаларнинг якуний босқичи Тошкент шаҳрида 19-20 июль кунлари ўтказилди. Ғолиб оила деб Қашқадарё вилояти Муборак тумани «Машъал» маҳалласи Ёмғировлар оиласи топилди. Турнирда жами 49593 оила иштирок этди.

«Маҳалламиз паҳлавонлари» ва «Белбоғли кураш» турнирларининг якуний республика босқич мусобақалари Тошкент шаҳридаги «ЖАР» спорт соғломлаштириш мажмуида ўтказилди. «Маҳалламиз паҳлавонлари» турнирининг умумжамоа ҳисобидаги ғолиблигини Қашқадарё вилояти, «Белбоғли кураш»да эса Наманган вилояти шоҳсупага кўтарилди. Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирландилар. Ушбу турнирда иштирок этган полвонлар сони 500 мингдан ошиб кетди.

Ватан ичра ватан

«Ўзбек маҳалласи: одамлар, анъаналар ва урф-одатлар» мавзуида жорий йил 5 сентябрь куни Антверпенда Европа кенгаши ахборот марказида кўргазма ташкиллаштирилди. Кўргазмада республикамизда фаолият юритаётган фото усталарнинг 60 дан ошиқ ишлари намойиш этилди. Ушбу кўргазма 13-23 октябрь кунлари НАТОнинг Брюсселдаги қароргоҳида ўтказилди.

«Обод маҳалла – эзгулик бешиги ва тарбия ўғочи» мавзусида 10000 дона туркум плакатлар нашр этилди ва барча маҳаллаларга тақатилди.

«Маҳалла – мўъжаз Ватан», «Ватанпарварлик туйғуси», «Бола тарбиясида маҳалланинг ўрни ва масъулияти» мавзусида 89 та телекўрсатув ва эшиттиришлар тайёрланди.

Жорий йил 29 август-25 сентябрь кунлари давомида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб маҳалланинг эзгу анъаналари, урф-одатлари ва ўзига хос оламини акс эттирувчи энг яхши тасвирий санъат асарларининг «Маҳалладан бошланар Ватан» республика танлови ҳамда танловга тақдим этилган асарлардан иборат бадиий кўргазма ўтказилди. Танловда 500 дан ортиқ асар иштирок этди. Кўргазмада ижодкор А. Юнусов ва Ф. Аҳмадалиев «Айвондаги оила» ҳамда «Маҳалладошлар» асарлари учун 1-ўринни эгалладилар. Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари ва дипломлари топширилди.

Барча олий таълим муассасалари талабалари ва мактаб ўқувчилари ўртасида «Маҳалла тарихи ва унинг замонавий қиёфаси» мавзусида ижодий ишлар танлови ўтказилмоқда.

2003 йилда яна бир муҳим ютуққа эришдикки, уни рақамларда ифодалаб бўлмайди. Гап халқимиз маънавиятининг юксалганлиги, одамларимиз ўзаро меҳр-оқибати ошганлиги ҳақида кетяпти. Бухоро вилоятидаги Абдуҳолиқ Ғиждувоний мақбарасининг давлат эътибори билан таъмирлангани бутун халқимиз руҳини кўтарди. Буюк аждодларга эътибор инсоний одат ва фазилатларни сақлаш, асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодларга етказишнинг ажойиб намунасидир.

Эҳтимол, Обод маҳалла йилида ҳам бунёдкор қўллар етиб бормаган, тўлалигича чирой касб этмаган масканлар топилиб қолар. Лекин Обод маҳалла йили тугагани билан унинг эзгу анъаналари давом этади. Бунга яратувчилик қудратини намойиш этиб келаётган халқимиз кафил.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи.

Республика Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа бир қатор ташкилотлар биргаликда ташкил этган Ўзбекистон Конституциясини ўрганишга доир кўрик-танловда маҳалла раислари, оқсоқоллари, фаоллари иштирок этди. Туман, шаҳар ва вилоятларда босқичма-босқич ўтказилган бу тадбир давомида маҳаллаларда турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

СУРАТДА: танлов ғолибларини тақдирлаш пайти.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Обод маҳалла йилида юртимиз шаҳар ва қишлоқларида янгидан-янги гузарлар, шифохоналар, маиший хизмат кўрсатиш масканлари бунёд этилди. Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги Қораполвон қишлоқ врачлик пункти ана шундай замонавий иншоотлардан биридир.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Эътироф

Ўзбекистонда умргузаронлик қилаётган одамлар айнан маҳаллада тинч ва аҳил турмуш кечиришаяпти, ёшлар Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топиб, ота-боболари эъзозлаган анъаналарни муносиб давом эттиришаяпти.

Жимми ШИ,
НАТО матбуот котиби.

Эътироф

Ўзбекларда маҳалла деган ноёб идора борлигини билардиму, аммо «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганлигини эшитмаган эдим. Биласизми, шундай ҳуқуқий ҳужжат дунёнинг ҳеч бир давлатида йўқ.

Андре ДЮЛЭ
франциялик сенатор.

Оромгоҳлар хизматингизда

Ёлғиз кексалар учун жами 210 та пенсионерлар ва ногиронларнинг дам олиш жамоат маркази фаолият олиб бормоқда. Марказларда 8212 нафар ёлғизларнинг уюшган ҳолда дам олиши ташкиллаштирилиб, бунинг учун 397,8 минг сўм ҳомийлик маблағи сарфланди.

Обод маҳалла йили: фуқаролар йиғини қандай орган бўлиши керак?

ҚОНУН ЎЗГАРТИРИШЛАРИ КОНСТИТУЦИЯГА МОС

У маҳалла фаолиятида ўз ижобий таъсирини кўрсатиши лозим

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- **демократизм;**
- **ошкоралик;**
- **ижтимоий адолат;**
- **инсонпарварлик;**
- **маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ечишда мустақиллик;**
- **жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам;**

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунинг 4-моддаси.

Маълумки, 1993 йилда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган эди, 1999 йилда унинг янги таҳрири ишлаб чиқилди. Лекин жамиятда юз бераётган ўзгаришлар амалдаги ушбу қонунга ҳам тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчаларни киритишни тақозо этди. Ва шу йилнинг август ойида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Қуйида шу ўзгартиришлар тафсилоти ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ иқтисодий ислоҳотлар билан бир қаторда ижтимоий соҳани ривожлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Бундан асосий мақсад - ҳар бир инсон учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир. Бу борада айниқса республикамиз Президенти Ислом Каримов томонидан 2003 йилни Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши, маҳаллалар фаолиятини тубдан яхшилаш учун давлат миқёсида дастур қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ қилиниши - маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган юксак ишонч ва эътибордан далолатдир.

Жорий йил бошида қабул қилиниб ва бугунги кунда муваффақият билан амалиётга татбиқ қилинаётган дастурнинг асосий мақсадларидан бири - бу ўзини ўзи бошқариш органларини демократик тамойиллар асосида янада ривожлантиришга эътиборни кучайтиришдан иборатдир.

2003 йилга қадар маҳалла ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи Президентнинг 7 та Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 6 та қарори ҳамда бир қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ қилинаётганди.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига киритилган ўзгартиришларни шакллантиришда маҳалла оқсоқоллари, фуқароларнинг таклифлари инобатга олинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим.

Мазкур қонун маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уни янада халқчиллаштириш ва эркинлаштириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчаларни кўзда тутди.

Энг муҳими, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига мослаштирилди. Яъни, Конституцияга мувофиқ, фуқаролар йиғини тегишли ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлиб ҳисобланади. 7-модданинг аввалги таҳририда эса фуқаролар йиғининг кенгаши, асосий йўналишлар бўйича комиссиялар, тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи деб кўрсатилган эди. Шунинг учун улар қонуннинг 8-моддаси янги таҳририда тегишли фуқаролар йиғининг органлари этиб белгиланди. Амалдаги қонунга фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг низоми тўғрисида алоҳида модда киритилди. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи Фуқаролик кодексининг 78-моддасига кўра нотижорат юридик шахсларнинг бир кўриниши бўлганлиги сабабли уларнинг ҳам маълум бир кўринишдаги таъсис ҳужжати бўлиши керак. Ушбу низом ҳар бир фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берувчи ҳужжат бўлади. Ҳозирги кунда ушбу низомнинг намунавий шаклини маҳаллаларга тақдим этиш чоралари кўрилмоқда.

Қонуннинг 18-моддасида фуқаролар йиғинини чақиришнинг иложи бўлмаган тақдирда, фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилиши кўзда тутилган. Янги қонун вакилларни сайлаш тартибига аниқлик киритади ҳамда вакиллик нормаларини белгилаш ваколатини, тегишли халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимиятлардан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича туман, шаҳар мувофиқлаштириш кенгашларига ўтказилиши белгилаб қўйилди. Чунки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти тизимига кирмайди ва давлат органлари томонидан вакиллик нормаларини белгилаб берилиши мақсадга мувофиқ эмас, деб топилди. Бу ўз навбатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини таъминлашга ёрдам беради.

Шунингдек, янги қонунга биноан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг корхона, муассаса ва ташкилотлар билан бўлган муносабатларини такомиллаштириш мақсадида фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг вакиллари уларга тегишли масалалар бўйича таклифлар билан, маслаҳат овози билан иштирок этишлари мумкинлиги белгилаб берилди.

Фуқаролар йиғининг раиси (оқсоқоли) ва раис маслаҳатчиларини сайлаш амалиётидан келиб чиқиб, сайлов учун тақдим этилган номзодлар етарли миқдорда овоз ололмаган тақдирда янги номзодларни тақдим этиш тўғрисидаги нормалар ҳам Қонунга киритилди.

Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий ҳокимият органлари, давлат бошқаруви ва назорат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан бўлган ҳуқуқий муносабатларининг таҳлили асосида ишлаб чиқилганлиги алоҳида аҳамият касб этади. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларининг такомиллаштирилиши кўзда тутилган. Бу ўринда тегишли туман ва шаҳарлар мувофиқлаштириш Кенгашларининг вазифаси бекиёсдир.

Қонун қабул қилингунга қадар Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши тузилган бўлиб, у 2000 йил 15 майда Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. Лекин ушбу кенгаш жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи мувофиқлаштирувчи маслаҳат нотижорат ташкилоти сифатида тузилган. Яъни, бир юридик шахс республикамиздаги барча фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини ўз зиммасига олган. Оқсоқоллар Кенгаши "Маҳалла" хайрия жамғармаси билан бир хил мақомга, яъни нодавлат нотижорат ташкилоти мақомига эга бўлган. Бундай ҳолат қонунчиликда кенгашларнинг тузилиши тартиби ва уларнинг ваколатлари аниқ белгилаб берилмаганлиги сабабли юзага келган. Бунга қадар Оқсоқоллар Кенгашининг мувофиқлаштириш ишларини амалга ошириши тўла рўёбга чиқмади ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантиришга сезиларли таъсир эта олгани йўқ. Шунингдек, Оқсоқоллар Кенгаши амалда "Маҳалла" хайрия жамғармаси қошидаги бир органга айланиб қолди.

Шунинг учун фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини уйғунлаштириш ҳамда уларни юқори даражада ташкил этиш мақсадида мувофиқлаштириш кенгашларини тузиш ва улар таркибини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Республика кенгаши билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилишига доир ишлар амалга оширилиши лозим, деб ўйлаймиз.

Шу билан бирга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгашининг асосий вазифалари нималардан иборат бўлади, деган савол туғилади.

Аввал бу кенгаш фаолияти кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат бошқаруви ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда қатнашиш, уларнинг давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан бўлган муносабатларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби муҳим вазифаларга қаратилмоғи лозим бўлади.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашларни тузиш тартибини белгилаш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, миллий ва маънавий қадриятларни, урф-одатлар ва анъаналарнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётий, таъсирчан мисоллар асосида кенг халқ оммасига мунтазам етказиш ҳамда аҳоли ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро тажриба алмашишида ҳамда бу борадаги халқаро тажрибани ўрганишда кўмаклашиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари бўйича давлат органларига тавсиялар тайёрлаш ҳамда тақдим этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишларини мувофиқлаштирувчи кенгашларининг асосий вазифалари ҳам ана шу йўналишлардан келиб чиқиб, фаолият учун жорий этилиши мумкин бўлади.

Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси котибияти мудири.

Қашқадарё вилояти

ОҚСОҚОЛ ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЎЗИ БАҲОЛАДИ

Номзод бўлиш масъулияти

Қарши туманидаги Команди маҳалласида қатор йиллар оқсоқоллар алмаштирилса ҳам чинакам жонкуяр, ташкилотчи бўлмади, ўзгаришлардан аҳолининг кўнгли тўлмади.

Кайвонилар, кўпни кўрган кишилар маслаҳатлашиб, узоқ йиллар ҳуқуқ-тартибот органларида ишлаб катта тажриба орттирган, яқиндагина пенсияга чиққан ҳамқишлоқлари Иброҳим Кенжаев ҳузурига келишди. Иброҳим ака узоқ йиллар ишлаб жуда чарчагани, бироз дам олиши зарурлигини айтиб узр сўраган бўлса ҳам, қишлоқдошларининг "Ҳеч бўлмаганда икки йил ишлаб беринг" дея қилган илтижоларига узил-кесил рад жавобини бера олмади.

Вақтнинг тез ўтишини қаранг, шунга ҳам роппа-роса икки ярим йил бўлибди. Мана, бугун у қишлоқдошлари ҳузурида ҳисобот бераяпти.

Иброҳим ака оқсоқоллик фаолиятини бошлаганининг иккинчи куниёқ маҳалла гузари қурилиши бошланиб, ҳашар ҳисобига битказилганди. Ёз бўйи чангиб ётган кўчаларга шағал тўкилиб, текисланди. 300 метри асфалтланди. Сув қувурлари ётқизилди, ёритгичлар ўрнатилди. Маданий-маърифий, маънавий ишларга, санитария ҳолатларни яхшилашга, спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди ва улар ўз самарасини берди. Турли комиссиялар, педагог ҳамда посбонлар иши намунали йўлга қўйилганлиги боис маҳалла оилалари ўртасида бирорта ажралиш, жиноий ҳолатларга йўл қўйилмади, юқори ташкилотларга бирорта ҳам ариза ва шикоят тушмади.

Норозиликлар, келишмовчиликлар бўлмади эмас, бўлди, аммо уларнинг барчаси шу ерда — маҳаллада ечимини топти.Тўй ва маъракалар ихчамлаштирилди.

— Юқорида келтирилган далиллар барча муаммолар ечилди деган хулосани бермайди, — деди маҳалла оқсоқоли И.Кенжаев ўз ҳисобот маърузасида. —Сув таъминоти узил-кесил ҳал этилгани йўқ. Қишда газ, ёзда сув тақчиллигига дуч келяпмиз. 3052 аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллада бирорта телефон йўқлигини кечириб бўлмайди.

Асосий тортишувлар маҳалла оқсоқолини сайлаш масаласига келганда бўлди. Оқсоқолликка бугунгача фаолиятдаги оқсоқол Иброҳим Кенжаев ҳамда Шоди Жумаев номзодлари кўрсатилган эди. Иброҳим ака ўз номзодини қайтариб олди. Шунда маҳалла аҳли оёққа туриб, унинг ҳеч бўлмаганда яна бир муддат ишлашини сўрадилар. Лекин оқсоқол соғлиғи ёмонлашганини, бундан кейинги ўз имкониятларини чамалаб кўрганлигини ҳамда ўзига муқобил қўйилган номзодда яхши фаолият белгиларини сезаётганлигини айтиб, маҳалладошларидан узр сўради. Мен халқ ишлаган одамни қанчалик эъзозлашини, ўз оқсоқолига қанчалар меҳр қўйишини кўрдим, англадим. Тортишувлар узоқ давом этди, лекин...

Шоди Жумаев маҳалла оқсоқоли этиб сайланди. У ўз режаларини баён этар экан, маҳалладошлар оқсоқоллари бошлаган савоб ишлар олдингидек давом этишига ишондилар.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

Фарғона вилояти

СОБИҚ РАИСГА САРПО КИЙГИЗИЛДИ

Сўх туманидаги Демурсад маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сулаймон Ҳамалов ҳам ўз ваколати тугаши муносабати билан ҳисоб берди.

— Ҳисобот даври фуқароларимиз учун тинчосойишта, ютуқ-юксалишлар даври бўлди, — деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сулаймон Ҳамалов ҳисобот-сайловдаги ҳисобот маърузасида. — Бу даврда ҳамма жойда бўлгани каби маҳалламизда ҳам қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Фуқароларимизнинг турмуш фаровонлиги яхшиланди. Маҳалла ичидан ўтган сой ёғингарчилик пайтларида сув тошиб, аҳолига катта хавф туғдирарди. Сойнинг икки қирғоғи тартибга солинди ва бетонлаштирилди. Чашма булоғининг ичимлик суви қувурлар орқали маҳаллага келтирилди. Йўлларнинг бир қисми асфальтланди. Маҳаллада ҳамма қулайликларга эга бўлган шинам гузарча ташкил қилинди. Ҳазрат Али зиёратгоҳидан маҳалла аҳолисининг дам олиши учун махсус жой ажратилиб, ободонлаштирилди. Байрамларда ночор оилалар, ногиронлар, етим-есирлар ҳолидан хабар олиниб, совғалар улашилди. Пенсия ва нафақа пуллари ўз вақтида бериб борилмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ҳам маҳалла оқсоқоли ҳамда фаолларнинг тўй-маъракаларни ихчам, камчиқим қилиб ўтказишга доимо бошқош бўлишаётгани, тез-тез ҳашарлар уюштирилиб, кўча ва хиёбонлар, қабристонлар тозаланаётгани ҳақида гапирдилар. Шу билан бирга маҳаллада ечимини кутаётган муаммолар, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ҳисобот якунида С.Ҳамалов ўзининг кексайиб қолганини айтиб, йиғилганлардан ўрнига бошқа номзод танлашларини илтимос қилди. Унинг бу илтимоси қондирилди. Маҳалладошлар унга тўн кийгизиб самарали фаолияти учун миннатдорчиликларини изҳор этишди. Олий маълумотли мутахассис Астонбой Мастонов маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. С.Ҳамалов эса янгидан сайланган 9 нафар раис маслаҳатчиларининг бири бўлди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Тошкент вилояти

САВОБ ИШНИ БУТУН ҚИЛГАН ФЕРМЕР

Оҳангарондаги Увак қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Авазхон" фермер хўжалиги ва унинг раиси Авазхон Азимовнинг саховатпешалигини туман аҳли яхши билади. Хўжалик фаолият кўрсатаётганига 11 йил бўлди. У асосан ғалла ва сабзавот маҳсулотлари етиштиради. Фақат ўтган йилнинг ўзида ғалладан 19 миллион сўм соф фойда олинди.

Албатта, А.Азимовдан бошқа тадбиркор бўлганида, балки бу маблағни ҳисоб рақамидан жилдирмаган бўлармиди?! Бироқ Авазхон ҳалол меҳнат эвазига орттирилган бу пулларнинг маълум қисмини ҳамқишлоқлари билан баҳам кўриш, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, мактаб ўқувчиларини ҳурсанд қилишга сарфлашни афзал, деб билди. Ана шу эзгу ният йўлида у дастлаб фермер хўжалиги аъзоларига 800 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Ангрен шаҳридаги кўрлар жамиятига 200 минг, кам таъминланган оилаларга 300 минг сўм миқдорида кўмак берилди. Маҳалла аҳли фарзандларининг яхши билим олишлари мақсадида фермер хўжалиги ҳисобидан янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Шунингдек, саховатпеша А.Азимов маҳалла гузарини бунёд этишга киришди. Савоб иш қилсанг бутун қил, деган нақлга амал қилган Авазхон мактаб ўқувчиларига янги замонавий компьютер туҳфа қилди. Маҳалланинг ички бир километрли йўли асфальтланди, хонадонларни газлаштиришга эса бир миллион 200 минг сўмлик малаг сарфланди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ҳам бултур амалга оширилган хайрли ишлар давом эттирилиб, гузар, чойхона, савдо дўкони ва новвойхона ишга туширилди. Бу тадбирларга жами 10 миллион сўм ажратилди. Фермер хўжалигининг келгуси йилдаги режаси автохизмат кўрсатиш шохобчасини очиш ва маҳалла аҳолисини ичимлик суви билан тўла таъминлашдан иборатдир.

А.ИСОҚОВ,
Оҳангарон тумани Увак қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

ДУНЁНИ МЕҲР ЯШНАТАДИ

(Давоми. Аввали 1-сахифада.)

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да бу сўзларга шундай изоҳ берилибди:

"Меҳр [ф-т] 1. Инсоннинг ўз туғишганларига, яқин кишиларига ва умуман одамга бўлган самимий муҳаббати.

2. Шафқат, раҳмдиллик.

Мурувват II [а] Одамгарчилик юзасидан қилинган яхшилик; саховат, ҳиммат".

"Ўзбек халқ мақоллари"нинг икки томлигини варақласак, ундаги асосий мақоллар ҳам инсон меҳру-муҳаббатини ифодалар экан. Бу ҳикматлар эса туркий аждодларимиз, ўзбек халқимизнинг асрий тажрибалари хулосаси эканига заррача эътироз бўлиши мумкин эмас.

Меҳр-мурувват инсоният маънавияти, руҳиятига хос жаҳоний фазилатлардир. Қуръони Карим сўзлари ҳам меҳр-муҳаббатдан яралган. Оллоҳнинг гўзал исмларидан меҳрибон сўзини ҳар куни юзлаб такрорлаймиз. Мусулмон одам ўз гапини, албатта, "Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман", дейди.

Буюк бобокалонларимиз пиру комиллар, авлиёлар - Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, имом ал-Бухорий, Аҳмад Яссавийлардан то уларга ихлос қўйган соҳибқирон Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоийларгача — барчасининг ҳаёти мазмуни юртга муҳаббат, инсонга меҳрда мужассамлашади. Тасаввуф оқимларининг асосчилари, тасаввуф фалсафаси ва адабиётини эса мурувват талқинисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Болапарварлик, оилапарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик — нимаики демайлик, уларнинг барчасининг замирида ана шу муқаддас - илоҳий туйғу ётади.

Юртбошимизнинг 2004 йилни "Меҳр ва мурувват" йили, деб эълон қилиш таклифи мамлакатимизда инсонпарвар истиқлол сиёсати изчил амалга оширилаётганининг яна бир исботидир.

Бу — меҳру мурувват кўрсатиш маълум даврга хос воқеа эмас, балки доимий бурчимиз, демакдир.

"Меҳр ва мурувват" йили, - деди Президентимиз, - "Обод маҳалла йили"нинг давоми бўлади. Обод маҳалла, аввало обод кўнгилдан бошланади".

Юртбошимизнинг бу сўзлари халқимизнинг "Кўнгилни меҳр яшнатади", деган ҳикматига ҳамоҳангдир.

Инсон туғилгандан сўнгги нафасигача, инсоният азал-абад меҳрга муҳтож бўлади.

Инсон туғилгандан сўнгги нафасигача, инсоният азал-абад меҳрга муҳтож бўлади.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил топган Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Дастур асосида меҳру мурувват юзасидан ҳозиргача халқимизга кўрсатиб келган беғараз ёрдамнинг барчасини санаб тугатиш қийин. Жорий йилнинг ўзидаёқ, Юртбошимиз қайд қилганларидек: "Дастур доирасида 1 миллиард 200 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди".

Президентимизнинг Конституциямиз 11 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги нутқида ўзини ўзи бошқариш органларига оқсоқол (раис)лар ва маслаҳатчиларни сайлаш жараёнига ҳам ургу бергани бизни фахрлантиради.

Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органлари кучли ҳуқуқий асос, ташкилий тузилмалар ва бош тажрибага эга бўлди.

Юртбошимиз таъкидлаган: "Инсоннинг, оиланинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш, бу руҳий дунёга қўполлик билан аралашмасдан, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик билан таъсир ўтказишда маҳалладек идорага тенг келадиган бошқа бирон-бир восита йўқ" деган ифодалар ҳаётимизда яна бир бор исботланди.

2004 йилнинг "Меҳр ва мурувват йили" деб эълон қилиниши "Маҳалла" жамғармаси, ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига янада улкан масъулиятлар юклади. Биз бундан буён ҳам ўз фаолиятимизни меҳрибонлик тамойиллари асосида олиб борамиз, албатта. Чунки соғлом авлод тарбияси, қарияларни қадрлаш, ислоҳотлар даври қийинчиликларидан муҳтожларни ҳимоя қилиш, маҳаллалар ободлиги, миллий анъана ва қадриятларни эъзозлаш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Тўғри, қуруқ гап билан кишини маънавий бой, меҳрибон қилиб бўлмайди. Бу ерда тарбия, намуна, китоб, матбуот, миллий қадриятлар деган улкан имкониятларимиз, маҳалла деган жамоаларимиз бор.

Шахс намунаси ҳақида сўз кетар экан, улуғ аждодларимизнинг анъанасини амалда давом эттириб, Президентимизнинг хорижда нашр этилган китобларидан бирига берилган 30 000 АҚШ долларини тўлалигича меҳрибонлик уйига ўтказганини эслашни лозим топдик. Моддият ва маънавият уйғун бўлса, ҳар иккиси Меҳримизни мужассам этиб, кишилар, халқимиз маънавий бой, моддий фаровон бўлишса, олий бахт эмасми?! Шу ўринда Юртбошимизнинг: "...ўзгалардан фарқли ўлароқ, жамиятимизда ўта бойлар ва ўта қашшоқлар бўлиши маъқул эмаслигини эълон қилганимиз ва бизнинг бугунги амалий ҳаётимиз айнан ана шу мақсадга қаратилган", - деган сўзларини келтириш жоиз.

Аъзамжон ГАДОЙБОЕВ,
Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси раиси.
Саминжон РАҲИМОВ,
Республика "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий марказ директори.

Олам турф

14 ЁШЛИ ТАЛАБА

Алмати чет тиллар педагогика институтига кириш учун анкета тўлдиришда Аристонбек Муқанов графалардан бирини тўлдирмай очиқ қолдирди.

У ўз паспортининг рақамларини кўрсатолмади. Сабаби оддий: бу ҳужжатни, яъни паспортни алматилик 1 курс талабаси яна икки йилдан кейин олиши мумкин эди.

Аристонбек бошланғич синфлар дастурини 6 ёшидаёқ ўзлаштириб олганди. Ўрта мактабда фақат аълога ўқиди. Фақат 10-синфдагина битта тўрт олди. Барча "тенгдошлари" қатори инглиз тили факультетининг 14 ёшли талабасининг ўқишга қизиқиши катта.

ТИШИ ЧИҚИБ ТУҒИЛГАНЛАР

Тиббиёт тарихида шундай воқеалар қайд этилганки, кишини ҳайратга солмай қўймайди. Жумладан, 1896 йилда франциялик бир одамнинг тишлари бутун умри давомида 4 марта тушиб, қайта чиққан.

Шунда ҳам сут тишлар. Бироқ чақалоқ она қорнидалигидаёқ тиши чиқиб, кейин туғилганлиги кўп кузатилган. Масалан, Франция қироли Людовик XIV (ёшлигидаги исми Луи Дъедони) 1638 йил 5 сентябрда икки олд тиши чиққан ҳолда туғилган. 1970 йилда данияликлар ҳам шундай воқеанинг гувоҳи бўлишган. Ўшанда бир чақалоқ 8 та тиши билан туғилган. Шундан тўрттаси илдизли тишлар эди.

ҚОР ОДАМ - БОР ОДАММИ?

Мўғулистоннинг Кабдо аймоғилик уч киши бу воқеанинг ҳар бир дақиқасини энди умуман эсларидан чиқаришмаса керак.

Эрдэнбурэн ҳудудидаги булоқда улар жуда ҳаҳайбат қор одамни кўришган. Ҳаҳайбат одам ўша заҳоти ақл бовар қилмайдиган тезликда, яъни саноқли дақиқаларда 200 метр наридаги қояга бекинишга улгурган. Табиийки, қочоқнинг қадами ўлчаб кўрилган. Унинг ҳар бир қадами 2 метру 61 сантиметрга тенг бўлган. Оёғининг изи эса узунлиги 40, эни 8 сантиметрни ташкил этган.

Ҳайловчи С.Ульзийнинг айтишича, у бундай ғаройиб одамни биринчи марта учратиши эмас, 1988 йилда ҳам қор одамга дуч келган.

ЭЪЛОН!

Тошкент фармацевтика институти томонидан 1992 йилда Мансуров Хамидулла Хабибуллаевич номига берилган ФВ 947831 (рўйхат рақами 9815) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қисобланади.

Оилавий беллашувлар

"ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН"

"Андижон" спорт коллежи манежида "Отам, онам ва мен - спортчилар оиласимиз" вилоят мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Андижон вилоятининг кўпчилик шаҳар ва туманларидан вакиллар иштирок этдилар.

Ҳар бир жамоа уч киши - ота, она ва фарзанддан иборат бўлиб, улар эстафета, узунликка сакраш, тортишмачоқ, хоккей, арғимчоқ каби беллашувларда ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

Мусобақаларда қўрғонтепалик Юсуфжоновлар оиласи ғолиб бўлди. Ота-она Азаматжон ва Рўзихонлар - педагог, ўғиллари Нодирбек гимназия ўқувчиси.

Олтинкўллик Қосимовлар оиласи иккинчи, шаҳрихонлик Минаввароврлар оиласи эса учинчи ўринни эгалладилар.

Уларга мусобақалар ташкилотчилари - вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармасининг вилоят бўлими совға-саломлари топширилди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Бир дунё бахт...

ЙЎҚЛОВ

Кексалар биздан кўп нарса сўрамайди, уларни йўқлаб туриш меҳр-мурувватнинг бир кўриниши экан.

Бугун Ҳуринисо аянинг туғилган куни. Ҳар йилнинг шу кунида бу хонадон гавжум бўлар, фарзандлару набиралар кулгилари ён-атрофни тўлдириб турарди.

Лекин, бугун ҳовли жимжит. Аянинг ўзи эрталабданоқ ўғил-қизларининг уйларига бирма-бир қўнғироқ қилиб чиқди. "Ҳаво исиган куни тўпланишармиз, бугун келиб ўтирманглар" деди. Ахир нима қилсин, икки кундирки аёз аралаш совуқ. Қизларнинг қўлида ёш гўдаклари бор, келинлари оғироёқ. Бундай ҳавода келишса, шамоллаб қолишадику.

Туш пайтида қуёш чарақлаб совуқнинг тафти пасайди. "Келманглар деб айтишим шартмиди?" дея ўз-ўзини койиди ая. Ахир набираларини қачондан бери соғинган. Кундузлари борай деса ҳаммаси боғчаю мактабда, кечқурунлари борай деса уйга қайтишини ўйлайди. Ишдан чарчаб келган ўғиллари, куёвларини овора қилгиси келмайди. Балки катта набираси дарсдан чиқиб бирров келиб кетар...

Кампир шуни ўйлаб, ошга уннади. Сомсанинг хамирини муштлади. Ёнларидаги бозорчага чиқиб, иссиқ, жиззали патирлар харид қилди. Шу заҳоти қуёш юзини қалин булут қоплаб шамол турди. Ёмғир ёға бошлади. Буни кўриб Ҳуринисо ая хуноби ошди. "Тавба, мен нега хафа бўлаяпман, ўзи? Ахир куз ҳавоси шунақада. Ўзимам худди гўдакка ўхшаб қолаяпман, шекилли. Нима қилай, кексалик-да..." Ёмғир шатирлаб қуяр, Ҳуринисо ая эса катта набирасини кутиб ҳадеб йўлга термуларди. Шу набираси доимо бувисига "Туғилган кунингизни роса кутдик ўзиям" дерди, сўнг қиқирлаб куларди. У кулгани сайин бувисининг завқи келарди. Наҳот бугун набирасиям келмаса? Бу ҳавода униям юборишмас... Худди шу тобда дарвоза ортида машина дудутлади. Ҳуринисо аянинг юраги орзиқиб тушди. Титроқ қўллари билан шошиб дарвозани очди. Дастлаб тўнғич набираси югуриб келиб бувисининг бағрига отилди. Машина ёнида эса қизу куёвлари, ўғилу келинлари кулиб туришарди.

- Туғилган кунингиз билан табриклаймиз, онажон!

- Раҳмат, раҳмат, болаларим. Қани, тезроқ уйга киринглар!

Ҳуринисо ая севинчидан терисига сиғмай кетган, шу кезда унинг ҳовлисига осмондан ёмғир эмас, бир дунё бахт ёғаётгандек эди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Илм фидойилари

УНИ ШЕРАЛИ ҚОМУС ДЕЙДИЛАР

Шерали акани суриштириб келувчиларнинг аксари хорижлик бўлади. Франция, Германия ҳатто Жазоирдан ҳам уни излаб келишганига гувоҳман. Ўзбек адабий алоқаларига, хорижда таҳсил олганлар, 20-йиллар адабиёти ва намоёндалари фаолиятига қизиққан кишилар албатта, Шерали акани қидириб келадилар. Шу боис матбуотдаги қадрдонлари уни "Шерали қомус" деб атайдилар.

Шерали Турдиев Самарқанд вилоятининг Бешбулоқ қишлоғида туғилган бўлса-да, болалиги Сирдарёда ўтди. Тошкентга келиб, САГУнинг филология факультетида таҳсил олди. Кейин, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига ишга жойлашди. Ҳоди Зариф, Ҳомил Ёқубов, Иззат Султон, Собиржон Иброҳимов каби адабиёт билимдонларидан илм сирларини ўрганди.

Унинг номзодлик диссертацияси мавзуси — "20 йиллар ўзбек ҳикоячилиги" эди. 20-йиллар ҳақида гап қўзғалса, ўша йилларда кўпларнинг пешонаси тиришгани бугун сир эмас. Аммо устози Иззат Султон раҳбарлигида диссертациясини муваффақиятли ёқлайди.



Ушбу изланишлар ҳосиласи ўлароқ "Ўзбекистон адабиётида кичик эпик асарлар", "Адабий дўстлигимиз тонгида", "Ҳаётбахш таъсирлар" рисолалари, "Ўрта Осиё татарлари: XX аср биринчи ярмидаги Туркистоннинг маданий ва сиёсий ҳаётидаги роли ва аҳамияти" (Ушбу мақола "Ислом ва замон" тўпламида 1996 йилда Қозонда босилган), "Улар Германияда ўқиган эдилар" рисоласи ва бошқа ўнлаб мақолалари ёзилди.

Ҳокисор олим изланишдан сира зерикмайди. Шу боис уни ҳали у кутубхонада, ҳали бу архивда учратиш мумкин. Кутилмаганда "Чақувлар қурбони"га ўхшаш илмий янгиликларни очиб, илмий амалиётга тақдим этади. Шунинг учун Тошкент, Вена, Симферополдами қатъий назар, илмий анжуманларда унинг чиқиши қизиқиш ўйғотади. У шўролар ҳукуматининг қирғин сиёсати туфайли Ватан ва халқ учун ҳалол ишлаб, қурбон бўлган шахсларнинг пок номини тиклаш учун ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқда. Унинг атоқли драматург, матбуотчи, таржимон Ҳожи Муин ҳақидаги "Матбуотга бахшида умр", маърифатпарвар Сайидризо Ализодага бағишланган "Маърифат ва матбуот фидойиси", машҳур генетик олим Вавилов шогирди, биолог олим Раҳим Раҳмонов фаолиятини ёритувчи "Бир олимнинг қисмати", Самарқанд университитетининг собиқ ректори Карим Абдуллаев қисматини баён этувчи "Фожиали якун топган умр" каби очерклари кўпчилик эътиборини қозонди.

Яқинда "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби Шерали Турдиев ҳақида режиссёр Ғайрат Шодмонов ҳужжатли фильм яратди.

Сирожиддин АҲМАД.

Тадбир

ЯНА БИР МАҲАЛЛАДА КУТУБХОНА ОЧИЛДИ

Биз Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожоннинг пойтахтимиздаги Конституция маҳалласида кутубхона очгани ҳақида эшитгандик. Бу ташаббус тезда қанот ёзди. Яқинда Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Шодлик маҳалласи аҳли ҳам янги кутубхонага эга бўлдилар.

- Мен ардоқли шоиримизнинг хайрли ишга қўл урганларини эшитиб қувонгандим. Бу ташаббус мени илҳомлантирди. Китобга ўч одамлар яшайдиган Шодлик маҳалласида кутубхона очишга қарор қилдим, - дейди Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош директорининг биринчи ўринбосари Назира Жўраева. - Имкониятларимни чамалаб, уйимда йиққан китобларимни шу ерга келтирдим. Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлиги тизимидаги "Ўзбекистон", "Ўқитувчи", "Чўлпон", "Ижод дунёси", "Меҳнат", "Ибн Сино" номли кўпгина нашриётлар ҳамда "Шарқ" нашриёт-матбаа Акциядорлик компанияси босмахонаси раҳбарлари бу ташаббусни қўллабқувватлаб, кутубхонамиз учун ўзларида чоп этилган китоблардан туҳфа этишди.

Шодлик маҳалласидаги янги кутубхона бу кун 500 дан ошиқ номдаги сара асарлар билан бойитилди. Бу зиёхона эндиликда "Назира Жўраева кутубхонаси" деб юритилади.

- Маҳалламиз идораси ёнгинасида 271-мактаб биноси жойлашган, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирахмад Муҳаммедов. - Бу эса кутубхонамиздаги китоблардан мактаб ўқувчиларининг ҳам баҳраманд бўлишларига имкон яратади.

МОҲИЧЕҲРА.

Бир ҳунар тарихи...

ЎЗБЕК ГИЛАМИНИНГ ДОВРУҒИ

«Ўзбеклар, - деб ёзган эди рус элшуноси, миссионер Н.П.Остроумов, - тенги йўқ уста нақкошлардир. Улар нозик ва гўзал нақш ишлайдилар, фақат ёғочга эмас, шунингдек мармартошга, металлга нозик ва гўзал нақш солишлари, гиламга, газламага ранг-баранг гуллар, геометрик шакллар туширишларига қараб, уларнинг моҳирлигига қойил қоласан».

Ҳа, юртимизда қадимдан аъло сифат гўзал гиламлар, сержило шолчалар кўплаб ишлаб чиқарилган. XV-XVI аср ёзма манбаларида ҳар хил гулли ва турли катталикдаги қалин гилам, зилуча, шунингдек деворга осиб қўйиладиган газлама гиламлар тилга олинади. Амир Темур саройида бўлган испан элчиси Клавихо ўзининг кундаликларида Самарқандда ўз кўзи билан кўрган асосан қизил гиламлар тўғрисида гапириб ўтади. Тарихчи ибн Арабшоҳ эса Темур мақбарасининг полига ёзиб қўйилган шойи ва бахмал гиламлар тўғрисида ёзади. Гилам тўқиш санъати самарқандликларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадимий касб-ҳунари ҳисобланади. Элшунос А.Д.Гребенкиннинг ёзишича, XIX аснинг сўнгги йилларида Самарқанд вилоятида гилам тўқиш қипчоқ, қутчи, митан, найман ва турк каби уруғларида яхши ривожланган. Агар XIX аснинг 70-80 йилларига оид архив материалларини кўздан кечирсак, унда Самарқанд вилоятининг чорвадор туманларида яшаган аҳолининг 25 фоизи гилам тўқиш билан шуғулланганларининг гувоҳи бўламиз. Ўз даврида Самарқанд уездига қарашли Қорақалпоғистон волости, Каттақўрғон уездидаги Чимбой, Жуйшаҳар, Ёрбоши волостлари, Жиззах, Нурота ва Ургут туманлари гилам тўқишнинг маркази бўлган. Бу жойларда тўқилган гиламлар ва палослар ўзининг бадиий безакларининг тузилиши, зийнати, ранг-баранглиги, ялтироқли, геометрик шакллари ва сержило нақшларининг тасвирланиши жиҳатидан бошқа ерларда тўқилган гиламлардан ажралиб турган. Самарқанд вилоятида олача гилам, тақир яъни патсиз, калта патли, узун патли «Жулихирс» ёки «айиқ териси» деб аталадиган гиламлар, «Гажари», «Терма» ва «Араби» деб номланган сифатли гиламлар тўқилган.

Бир квадрат метр гилам тўқиш учун эса 172 мингдан кўпроқ тугун тугиш, мингларча метр ип тортиш керак бўлган.

1869-1913 йиллар давомида сифатли ва сержило нақшли ўзбек гиламлари Москва, Петербург, Нижний-Новгород, Харьков, Париж, Лондон, Чикаго, Милан, Бардо, Берлин шаҳарларида ташкил этилган жаҳон кўргазмаларида намойиш этилган. 1900 йилда Парижда очилган жаҳон кўргазмасида Самарқанд, Андижон, Фарғона, Тошкент ҳунармандлари тўқиган гиламлар намойиш этилиб юқори баҳоланган.

1893 йили Чикаго, 1904 йили Американинг Сан-Луи, 1907 йили Бордо ва Милан шаҳарларида ташкил этилган халқаро кўргазмаларда ҳам, 1913 йили Петербург кўргазмасида юртимизнинг юксак дид билан тўқилган нафис сержило гиламларига юқори баҳо берилди. Асримизнинг бошларида ҳам юртимизда гилам ва палослар ишлаб чиқариш салмоқли ўринни эгаллаган. «Туркистанские ведомости» рўзномасининг 1910 йил 72-сонида босилган мақолада, ўлкада ҳар йили 40000 дона гилам ишлаб чиқарилгани ва уларнинг 35000 таси Европа ва Америкага чиқарилиб сотилган, деб ёзилган. 1919 йилда эса бутун Туркистон бўйича 4000000 дона гилам ва палослар тайёрланган ва турли жойларга чиқариб сотилган («Народное хозяйство Туркистана» журналининг 1920 йил 4 сони).

Мустақиллик шарофати билан қадимий гилам тўқиш ҳунари қайта тикланиш ҳамда сифатли гилам ва шолчалар ишлаб чиқариш имконига эга бўлдик.

XIII асрда Хивага ташриф буюрган италиялик машҳур сайёҳ Марко Поло Хивада тўқилган гиламларни кўриб ҳайратдан лол қолган. Ўрта Осиёга саёҳати тўғрисида ёзган китобининг 21 бобини Хива гиламларига бағишлаб, шундай ёзади: «Биласизми, бу қадим кўҳна шаҳарда шундай нозик ва нафис, бежирим ва гўзал гиламлар тўқилар эканки, бундай гиламларни дунёнинг бошқа жойларида учратмадим. Фақат чиройи билан эмас, пишиқ-пухталиги билан ҳам ажралиб туради».

Бизнинг замонамизда айниқса, мустақилликка эришилгач, қадимий гилам тўқиш маскани яна ўз фаолиятини бошлади. Бугунги кунда «Хива гилами» ҳиссадорлик жамияти харидоргир, рақобатбардош гиламлар янги туркумларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Огаҳий, шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳимхон II Феруз сиймолари туширилган ранг-баранг жилоли гиламлар ишлаб чиқарилди.

Бугунги кунда Хива гиламлари кўплаб хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Қадимий шаҳарга ташриф буюраётган бир-биридан сержило, мафтункор, хонадонларга гўзаллик, севинч олиб кирувчи Хива гиламларини энг яхши, унутилмас, эсдалик совға сифатида харид қилмоқдалар.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани ИИБ томонидан "ZAFARBEK - BIZNESI" хусусий фирмасига берилган думалоқ муҳр ва тўртбурчак штамп йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Меренкова Анна Григорьевна номига 1993 йил 14 январда берилган 04-02/7115 рақамли уй-жойга шахсий мулк эгалигини тасдиқловчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги Республика иқтисодлаштирилган лицей томонидан 2002 йилда Ахмедов Рустам Рихсибаевич номига берилган OR-Z1000129 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ДСИси томонидан 2003 йилда хусусий тадбиркор Максудов Арслон Маламинович номига берилган "Чакана савдо билан шуғулланадиган якка тартибдаги тадбиркорнинг даромад ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари" йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

"ПАХТА БАНК"

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ

"Пахта-банк" аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларининг манфаатли ва қулай турларига юқори ставкаларда жалб қилишни эълон қилади ва қуйидаги омонат турларини таклиф этади.

"БОЛАЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ" 14 ёшгача бўлган болалар учун жорий 5 йил муддатга очилади. Мазкур омонатга қўйилаётган маблағ миқдорига ҳамда муддатига қараб ўзгарувчан йиллик 38 дан 50 фоиз миқдоргача даромад тўланади. Бошланғич бадал миқдори - 10000 сўм.

"ФАРОВОНЛИК" омонат тури - 3 ва 6 ойга очилади, йиллик 36 фоиз миқдорда даромад тўланади. Бошланғич бадал миқдори - 5000 сўм.

"БАРАКА" омонат тури 3, 6, 9 ой ҳамда 1 йил муддатга очилади, йиллик 20 дан 35 фоизгача миқдорда даромад тўланади. Бошланғич бадал миқдори - 20000 сўм.

"НАВНИҲОЛ" омонат тури - 1 йил муддатга 16 дан 25 гача ёшлиларга очилади, фоизлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг молиялаштириш ставкаси миқдори чегарасида даромадлар тўланади. Бошланғич бадал миқдори - 1000 сўм. Омонат миқдори ойма-ой оширилиб бориб 50000 сўмга етказилган тақдирда, омонатчи фоизлар бўйича олинадиган даромадлари ҳисобидан 10 фоиз миқдорда қўшимча даромад билан рағбатлантирилади.

"ОҚ ОЛТИН" омонат тури - 6 ой муддатга очилади, йиллик 30 фоиз даромад тўланади. Бошланғич бадал миқдори 2000 сўм. Ушбу омонатдаги маблағга ҳисобланадиган фоизлар бўйича даромадларни ҳар ой олдиндан олиш имкониятига эгасиз.

"ПАХТАКОР" омонат тури - 3 ой муддатга очилади, йиллик 25 фоиз миқдорда даромад тўланади. Бошланғич бадал миқдори - 1000 сўм.

Муддатли омонатлар;

6 ой муддатга - йиллик 30 фоиз; 1 йил муддатга - йиллик 36 фоиз; 1 йилдан 3 йилгача муддатга - йиллик 40 фоиз; 3 йилдан 5 йилгача муддатга - 45 фоиз миқдорда даромад тўланади. Ушбу банк омонатларга чекланмаган миқдорда омонатлар қабул қилинади. Банк омонатлар бўйича маълумотларни сир сақлашни ҳамда ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик Тижорат "Пахтабанк" Сизга шуни маълум қиладики, Пахтабанк бўлимига қўйган жамғармаларингизни ҳар қандай иш куни давомида Пахтабанкнинг бошқа барча бўлимларидан хоҳлаган миқдорда олишингиз мумкин.

Эшитмадим, деманглар!!!

обуна учун уюштирувчи таҳририят мукофоти бор!



Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича:

- ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига 2 тадан кам бўлмаган ва обуналар сони 1000 донадан (фуқаролар йиғини сони 400 тадан кам бўлса, 850 донадан, 300 тадан кам бўлганда 700 донадан) ортиқ йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимига 1 дона компьютер жамланмаси, ушбу шарт 80 фойизга бажарилганда рангли телевизор;

Туманлар бўйича:

- ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига йиллик обуна 2 донадан кам бўлмаган ва умумий йиллик обуналар сони 120 донадан (фуқаролар йиғини сони 40 тадан кам бўлганда 90 дона, 30 тадан кам бўлганда 70 донадан) кам бўлмаган йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмасига бир дона рангли телевизор, ушбу шартлар 80 фойизга бажарилганда оқ-қора тасвирли телевизор;

Қишлоқ фуқаролар йиғинлари бўйича:

- ҳар бир маҳалла ҳисобига йиллик обуна 3 донадан, умумий сони 25 тадан кам бўлмаганда фуқаролар йиғинига оқ-қора тасвирли телевизор.
Ўз маҳалласида 10 донадан ортиқ йиллик обуна уюштирган маҳалла фуқаролар йиғинига таҳририятнинг махсус мукофоти берилади.

Обуна бўлинганлик ҳақидаги ҳужжатлар таҳририятга тақдим этилади.

ТАҲРИРИЯТ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЖБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Бугун ва шанба куни ҳар қандай масала юзасидан бўлмасин қатъий танқидий фикр билдириш обрўйингизга путур етказиши мумкин.

СИГИР(22.0420.05)

Шу кунларда муҳим ҳужжатларни имзолашга шошилмай турганингиз маъқул. Бу ишни сал кейинроқ амалга оширсангиз ҳам зарар кўрмайсиз.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Айни кунларда сизнинг ишдаги ва оиладаги фаоллигингизга ҳавас қилса арзийди. Шундай бўлсада, ҳамма нарсага улгура оламан, деб ўйласангиз хато қиласиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Шу кунларда сизга қўшимча иш таклиф қилишлари мумкин. Жуда фойдали таклиф бўлса-да уни қабул қилишга шошилмаганингиз маъқулроқ.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Бугун молиявий аҳамиятга молик масалаларни ижобий ҳал қилолсангиз, яқин кунларда маблағ танқислигини сезмай, бемалол юришингиз мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Яқин кунларда бетоб бўлиш режаларингизга кирмаган бўлса, айни кунларда об-ҳавога мос равишда кийиниб, ўзингиз эҳтиёт қилинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Муҳим музокаралар вақтида сизнинг фикрингиз атрофдагиларнинг нуқтаи назарига мос келмай қолиши мумкин. Ўзингизни йўқотмай, фикрингизни ҳимоя қилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Шу кунларда иложи борича турли майда-чуйда ғийбатсифат можароларга аралашиб қолишдан сақланинг. Чунки бу можаролар сиз учун катта ташвишга айланиши мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Айни кунларда сизга жуда ҳалақит бериши мумкин бўлган моддий зарарга йўлиқмай десангиз, чоршанба ва шанба куни молиявий масалалар билан шуғулланманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Шу кунларда мансаб поғонасида сиздан юқори турувчи кишилар билан баҳслашиш сизга ҳар жиҳатдан зиён келтиради. Бу сафар танбеҳларни жимгина эшитиб қўяқолинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Чоршанба ва шанба куни бутун диққатингизни ишга жалб этолсангиз, ташвишли оқибатлардан ўзингизни сақлаган бўласиз.

БАЛИК (19.02-20.03)

Айни кунлардаги тўлиб-тошаётган ғайратшижоатингизни бироз жиловлаб олмасангиз, ҳам жисмонан, ҳам руҳан чарчаб қолишингиз мумкин.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Коммунал мулкчилик ва хусусийлаштириш Бош бошқармаси томонидан 1993 йил 13 апрелда Емец Елена Матвеевнага берилган 10-01/18501 рақамли уй-жойни шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

ООО "Тех — PROM-EKSPORT" сообщает об уменьшении уставного фонда от 1000000 сум до 300000 сум.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъноберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

4832 нусхада чоп этилди: Буюртма Г-0023 Топширилди—21.00